# ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИГА РЕЙТИНГ ОЧКОЛАРИ

## пойтахтимиз мезбонлик қилаётган мусобақада берилади

*Кеча Тошкентда нуфузли халқаро турнир — таэквондо (WTF) бўйича Бутунжаҳон таэквондо федерацияси президенти кубоги учун Осиё минтақаси мусобақаси бошланди.*

1st WTF PRESIDENT'S CUP Asian Region G-2, Tashkent–2017

Бутунжаҳон таэквондо федерацияси, Осиё таэквондо иттифоқи, Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур беллашувда қирққа яқин давлатлардан 600 нафарга яқин спортчилар ғолиблик учун кураш олиб бормоқда.

11 август куни Универсал спорт мажмуасида халқаро турнирнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортга давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилиб, бу борада зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 июндаги "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишдаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлди.

Юртимизда яратилган кенг имкониятлар боис спортнинг Олимпиада дастуридан ўрин олган таэквондо (WTF) тури жадал ривожланаяпти. Бунда 1992 йилда Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси ташкил этилгани, у 1993 йилда Бутунжаҳон таэквондо федерациясига аъзо бўлгани алоҳида аҳамият касб этаётир. Амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ҳозир юртимизда саккиз минг нафарга яқин ўғил-қизлар таэквондонинг ушбу йўналиши билан мунтазам шуғулланмоқда. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида таэквондо бўлими фаолияти йўлга қўйилган. Бу ерда малакали мутахассис ва мураббийлар тайёрланаяпти. Мамлакатимиздаги олимпия захиралари коллежлари, ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабларида таэквондо (WTF) бўлимлари, спорт секциялари ва тўгараклари маҳоратли спортчиларни тарбиялашга хизмат қилаётир.

Ана шундай юксак эътибор туфайли ўзбекистонлик таэквондочилар кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Ўтган йиллар мобайнида Рашид Аҳмедов, Эдуард Хегай, Акмал Эргашев, Ғанижон Ҳурлибоев, Динорахон Мамадиброҳимова, Евгений Ли, Ирина Дергач, Жасур Бойқўзиев, Дмитрий Шокин, Никита ва Максим Рафаловичлар, Умида Абдуллаева, Нигора Турсунқулова, Ниёз Пўлатов сингари Олимпиада ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва нуфузли халқаро турнирлар ғолиб ва совриндорлари етишиб чиқди. Яна бир қувончли воқеа: шу йилнинг 6 — 8 июнь кунлари Вьетнамда кадетлар ўртасида ўтказилган ушбу спорт турининг кеуруги ва пумсе йўналишлари бўйича II Осиё чемпионатида Ирода Умрзоқова (пумсе) ва Азизбек Раҳмонбердиев (кеуруги) мамлакатимиз вакиллари орасида илк бор қитъа биринчилигининг олтин медалларини қўлга киритди. Умуман, мазкур мусобақада ўзбекистонлик умидли спортчилар жами 12 медалга сазовор бўлди. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида ҳамюртларимиз Жанубий Кореянинг Мужу шаҳрида ташкил этилган XXIII жаҳон чемпионатида биттадан кумуш ва бронза, "Ислом бирдамлик ўйинлари"да 2 тадан олтин ва кумуш ҳамда 3 та бронза, "Chuncheon Korea open — 2017" халқаро турнирида 8 та олтин, 5 та кумуш, 11 бронза, "Kazakhstan Open" халқаро турнирида эса 4 та олтин, учтадан кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланишди.

Айни шундай юксак натижалар самараси туфайли ҳам кўп йиллардан бери таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон терма жамоаси дунёнинг энг кучли ўн жамоасидан бири сифатида эътироф этиб келинади. Қолаверса, ўзбекистонлик таэквондочилар 2008 йилда Афина, 2012 йилда Лондон, 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик қилган ёзги Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этишди.

Пойтахтимизда ўтказилаётган Бутунжаҳон таэквондо федерацияси президенти кубоги учун Осиё минтақаси мусобақасида спортчилар совринли ўринлар билан бирга, навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи рейтинг очколари учун ҳам баҳс олиб боришмоқда. Турнир регламентига кўра, ўз вазн тоифасида медалларни қўлга киритган спортчилар муҳим рейтинг балларига эга бўлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов сўзга чиқди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ЭЪЛОНЛАР

*Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги**
**МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича танлов савдолари эълон қилади:**

буғдой ёрмаси, арпа ёрмаси, оқланган тариқ, томат пастаси, йодланган ош тузи, қуруқ мевалар.

Мазкур озиқ-овқат маҳсулотлари ГОСТ талабларига жавоб бериши, мувофиқлик ҳамда гигиеник сертификатларга эга бўлиши лозим.

Танлов қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.
Тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилинади.
Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга мурожаат этиш мумкин.
Телефонлар: (0-371) 255-75-12, 255-83-00 (навбатчи), 281-43-71.

1096А/349

**«Respublika mulk markazi» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига Бектемир тумани ободонлаштириш бошқармасига қарашли, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқбўйи кўчаси, 3-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:**

* 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01/042 LCA бўлган, «КрАЗ-250» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 22 039 000 сўм.**

* «ДУ-47» русумли каток.

**Бошланғич баҳоси — 11 298 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2017 йил 30 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2017 йил 28 август куни соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Закалат пули миқдори — 15 фоиз.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувида белгиланган миқдордан кам бўлмаган закалат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ «Сағбон» филиалидаги МФО: 01036, СТИР: 200933850, 20210000300571452114 ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

*Гувоҳнома №001805.*

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:**
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.**

1103А/146

РЕКЛАМА ЎРНИДА






Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 229. Буюртма Г – 845. 79 848 нусхада босилди, ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир – Қ. Хидиров.
Навбатчи – О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ – Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни – 22.45 Топширилди – 23.20 1 3 4 5 6